

ҚАРЗ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ (очерк)

Ҳаётда фуқаролар ўртасида қарз муносабатлари ўзаро бир-бирига ишонч туфайли оғзаки равишда ҳам тузилади. Бироқ, тарафлар ўртасида кейинчалик совуқчилик тушиб, низо судгача ҳам етиб боришига, судлар томонидан низони қонуний ҳал этиш учун бир қатор қийинчиликларни вужудга келтиришига сабаб бўлмоқда. Чунки, амалдаги қонунчилик талабига кўра, тарафлар ўртасидаги ҳақиқатда ҳам қарз муносабатлари бўлганлигини исботловчи бирдан бир манба ёзма шаклда тузилган қарз шартномаси ёхуд қарз берувчи томонидан муайян сумма топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат ҳисобланади.

Хўш, бундай низолар судлар томонидан қандай ҳал этилади.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, даъвогар М.Ч. жавобгар Ш.Т.га нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, ўзининг даъво аризасида 50.000.000 сўм қарз пулини ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2023 йил 15 апрель кундаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво аризаси қаноатлантирилган.

Аниқланишича, жавобгар Ш.Т. даъвогар М.Ч.дан 2020 йил 14 декабрда 50.000.000 сўм миқдордаги пул маблағини 2020 йил 28 декабрга қадар қайтариб бериш шарти билан қарзга олган. Ушбу ҳақида жавобгар Ш.Т. 2020 йил 14 декабрда тилхат ёзиб берган.

Фуқаролик кодексининг 733-моддаси 3-қисмига кўра, агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Мазкур Кодекснинг 735-моддаси 1-қисмига кўра, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Биринчи инстанция суди юқоридаги қонун талаблари ва иш ҳужжатларига асосланиб, яъни тарафлар ўртасида қарз муносабати қонуний асосларда вужудга келганлиги, жавобгар Ш.Т. томонидан ёзилган тилхатга кўра жавобгар қарзга олган пул маблағларини қайтариб бериш мажбуриятини олганлигини инобатга олиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида қонуний тўхтамга келган.

Шу боис, апелляция судлов ҳайъатининг 2022 йил 11 январдаги ажрими билан туманлараро судининг 2021 йил 22 ноябрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Мухтасар қилиб айтганда, қарз олди-берди муносабатлари тарафларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишлиги сабабли, мазкур тоифадаги ҳуқуқий муносабатларга киришишда амалдаги қонун талабларига тўлиқ риоя этилиши тарафлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган турли низоларнинг олдини олган бўлади.

Сурхондарё вилоят суди судьяси

З.Э.Мавлонов